

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

adolat24.uz/  
t.me/Gazeta\_Adolat

Сохибқирон Амир Темур  
таваллудининг  
690 йиллигига



## Сохибқироннинг бунёдкорлик қудрати

Амир Темур қайси мамлакатда бўлмасин, у ерда ободончиликка, бунёдкорлик ишларига катта эътибор берди. Марказлашган қудратли салтанатни барпо этиш, пировардида улкан ҳудудда тинчлик, осойишталик ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлан-

тириш, бутун ҳудудни озод ва обод диёрга айлантиришни мақсад қилди. У қуёш тафтида пишган ва хом лойдан қурилган Самарқандни Осиё Римига айлантирди.

### Ёшлар куни

## КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ:



Мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва давлат органлари билан яқин мулоқот ўрнатиш тизимли ислоҳотларнинг марказида турибди. Ана шундай эзгу мақсад йўлида "Alfraganus" университетиди "Адолат" СДП билан ҳамкорликда "Раҳбар ва ёшлар" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этилди.

## ИСЛОҲОТЛАРДА ЯНГИ ЯВЛОД ОВОЗИ



## ОЧИҚ МУЛОҚОТ ва САМАРАДОРЛИК САРИ

Фракция  
аъзоси  
Тоҳир Полвонов  
Хоразм  
вилоятида  
ўрганиш  
олиб борди



## ҲОЛИБ БЎЛМАДИ ДЕГАНИ, ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ДЕГАНИ ЭМАС

"Адолатчилар" яна 20 та лойиҳани маъқуллади

Якуний сарҳисобга кўра, фракция аъзолари умумий қиймати 31 миллиард 508 миллион 177 минг 756 сўм бўлган 20 та лойиҳага қайта ҳаёт "бахш этишди". Бу орқали эндиликда таъмирталаб аҳволдаги жами 19 минг 482 метр узунликдаги ички йўللарга асфальт ётқизиш, шунингдек, ичимлик суви ва электр таъминоти тармоқларини тортиш ва яхшилаш, мактаб ва боғчалар инфра-тузилмасини тубдан янгиллаш каби оғриқли, йиллар давомида ечимини кутган муаммолар ҳал қилинади. Келинг, борини борича келтирамыз.

## АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ХИМОЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ: ФАРМОНДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?



Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шухрат ЯҚУБОВ билан суҳбатлашдик.

## ТУТУРИҚСИЗ СЕРИАЛ ВА НОВЕЛЛАЛАРДАН



ҚАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?!

### ҚАЙНОТАМ МЕНИ...

Одатда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари бундай енгил-елпи намоишларнинг кўпайиб кетганида Ўзбекистон Кинематография агентлигини айблайди. Аслидачи? Кузатувларимизга кўра, бундай савиясиз сериал ва новеллаларнинг катта қисми хусусий телеканаллар томонидан буюртма берилгани ёки намоиш учун имконият яратилаётгани кўзга ташланмоқда.

Мухтасар айтганда, биз телевизорни "маънавий ҳордиқ" учун ёқамиз, маънавий зўриқиш ёки дидсизлик таълимини олиш учун эмас. Тутуриқсиз сериаллар ва новеллалар занжирини узишни ўзимиздан бошлайлик. Танлов ўзимизда, лекин вақт ганимат.

“Ташаббусли бюджет — 2026”

# ҒОЛИБ БЎЛМАДИ ДЕГАНИ, ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ДЕГАНИ ЭМАС

## “Адолатчилар” яна 20 та лойиҳани маъқуллади

Бугун маҳалламиздаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун, албатта, юқоридан кимдир келиши шарт эмас. Сабаби, бу борада “Ташаббусли бюджет” фуқаролик жамиятининг ҳақиқий драйверига айланиб, давлат маблагларини шаффо тақсимлашда амалий самарасини яққол кўрсатмоқда. Энг муҳими, юртдошларимиз ўз тақдирига дахлдор масалаларда бевосита иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Бироқ, тан олиш керак, овоз йиғиш жараёнида объектив сабабларга кўра ғолиб бўлолмаган, аммо ечимни кечиктириб бўлмас, долзарб ижтимоий масалалар ҳам бор. Бундай вазиятда лойиҳаси қўллаб-қувватланмаган фуқароларда жараёндаги рақобатга нисбатан адолатсизлик туйғуси ёки тизимга ишончасизлик пайдо бўлиш хавфи муқаррар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ўз сайлов округларидаги муайян мезонларга жавоб берадиган, лекин етарли овоз тўплай олмаган лойиҳаларга маблағ ажратиш ва уларни “ғолиб” деб топиш ваколати берилгани ижтимоий адолатни тиклаш йўлидаги энг оқилона қадам бўлди.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, зарурат юқори бўлган лойиҳаларни саралаш учун худудларга чиққан партиямиз фракцияси аъзолари якуний қарор қабул қилишда “етти ўлчаб, бир кесди”. Ахир бир туман ёки шаҳарнинг ўзиндан ушбу жараёнда ўнлаб лойиҳалар иштирок этади. Ҳар бир ташаббус ортида инсонлар дарди, маҳалла аҳлининг умиди турганини инобатга олсак, ҳар ким учун ўз муаммоси энг биринчи даражали туюлиши табиий.

Аммо депутат мана шундай мураккаб паллада ҳиссиётларга берилмасдан, лойиҳаларнинг ичидан энг оғири, ижтимоий юки салмоқли ва кўпчилигининг маънафатига хизмат қилади-

ганини танлаб олиши шарт эди. Бунда адолат мезони ва юксак маъсулият халқ вакилларининг асосий дастурил-амали бўлди.

Якуний сарҳисобга кўра, фракция аъзолари умумий қиймати 31 миллиард 508 миллион 177 минг 756 сўм бўлган 20 та лойиҳага қайта ҳаёт “бахш этишди”. Бу орқали эндиликда таъмирталаб аҳволдаги жами 19 минг 482 метр узунликдаги ички йўлларга асфальт ётқириш, шунингдек, ичимлик суви ва электр таъминоти тармоқларини тортиш ва яхшилаш, мактаб ва боғчалар инфратузилмасини тубдан янгилаш каби оғириқли, йиллар давомида ечимини кутган масалалар ҳал қилинади. Келинг, борини борича келтираймиз.

“Адолат” СДП фракцияси ҳамда партиямиз марказий ва худудий кенгашлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи билан Фарғона вилоятида шундай ижтимоий лойиҳаларни ўрганган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Робохон Махмудова асосий эътиборини аҳоли учун ҳаётли зарур, бироқ муайян сабабларга кўра эътибордан четда қолган масалаларга қаратди.

Фарғона туманидаги “Гулпиён” маҳалласи ўзига хос стратегик ва ижтимоий худуд ҳисобланади. Қирғизистон билан чегарадош бўлган бу

масканда ўзбек, қирғиз ва тожик миллатига мансуб ватандошлар асрлар давомида аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Бироқ маҳалланинг инфратузилма ҳолати бугунги шиддатли давр талабларидан анча орқада қолган.

Маҳалла фаоллари ички йўлларни асфальтлаштириш мақсадида “Ташаббусли бюджет”га 1 миллиард 647 миллион сўмлик тақлиф киритишган. Аммо чегараолди худудида алоқа ва интернет сифатининг пастлиги аҳолига етарли овоз тўплаш имконини бермади.

Натижада лойиҳа ғолиблар қаторидан жой ололмай, худуддаги муаммо яна очкилигича қолди. Мазкур муаммо, аввало, таълим сифати ва болалар хавфсизлигига дахлдор. Худуддаги 50- ва 36-умумтаълим мактабларига қатнайдиغان юзлаб ўқувчилар йиллар давомида чанг ва лой кўчалардан юришга мажбур бўлишган. Уч километрлик ички йўлнинг абгор ҳолати нафақат транспорт ҳаракатига, балки аҳолининг ижтимоий кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатиб келаётган.

Партия фракцияси аъзолари маҳалла аҳли билан учрашувда ушбу масалани алоҳида назоратга олди. Худуддаги ички йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаштириш ишларини молиялаштириш бўйича ташаббус қўллаб-қувватланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухриддин Мавлонов эса умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш тадбирлари доирасида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги “Чағатой” маҳалласида жойлашган 28-сонли мактабга алоҳида аҳамият берди.

Ушбу таълим муассасасида ўқувчилар учун муносиб шароитлар яратиш мақсадида 1 миллиард 648 мил-

лион сўм маблағ ажратилишини маъқуллади.

Шунингдек, қуйи палатанинг энг ёш депутати, фракция аъзоси Бехзод Тўхтамурадов Навоий вилояти Навбахор туманидаги “Қизилтепа” маҳалласида жойлашган 31-сонли мактабни замонавий қиёфага келтириш ташаббуси билан чиқди.

Мактаб биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун 1 миллиард 648 миллион сўм йўналтирилишини қўллаб-қувватлади.

Депутат Мавлуда Адхамжонов ва ички йўлларни, пидедалар йўлакчалари ва йўл ўтказгичларини таъмирлаш лойиҳаларини муҳим, деб билди. Жараён доирасида Олтинқул туманидаги “Айрончи” маҳалласига бориб, мавжуд абгор ҳолатни зудликда бартараф этиш зарурлигига иқдор бўлди.

Худуддаги 2 996 метр узунликдаги таъмирталаб йўлларни созлаш учун 1 миллиард 647 миллион 800 минг сўм маблағ ажратилган бўлди.

Яна бир аниқлик. 48-Тошкент вилояти сайлов округидан сайланган депутат Дилрабо Халбаева Зангиота туманидаги ички йўллар ҳолатини яхшилаш масаласини кўтарди. Депутатнинг сазой-ҳаракатлари билан “Ўртаовул” маҳалласидаги жами 2 500 метр йўлни асфальтлаштириш белгиланди.

Хусусан, маҳалладаги “Ёшлик” кўчасининг 1000 метри ҳамда “Бог” кўчасининг 1500 метрига янги асфальт қопламаси ётқирилиши учун 1 миллиард 425 миллион сўм маблағ йўналтирилган бўлди.

Биз бошқа “адолатчи” депутатларнинг шу каби хайрли танловлари ҳақида газетамизнинг келгуси сонларида яна хабар берамиз.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ  
тайёрлади

## Фракция йиғилиши



## ЖАМҒАРМА СТИПЕНДИАТЛАРИ МАЖБУРИЯТЛАРИ АНИҚ БЕЛГИЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг тақлифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг мамлакатимизга давлат таширфининг якунлари ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар ўзбек ва тожик халқларини қадимдан умумий тарих, яқин маънавий қадриятлар боғлаб келишини, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилганини қайд этдилар.

Ушбу таширф нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат ришталарини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлгани, балки икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Икки давлат раҳбарлари раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг биринчи йиғилишининг ўтказилиши ҳамкорликнинг узоқ мuddатли истиқболларини шакллантириш имконини бериб, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши ургуланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги масала – “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди.

Қонун лойиҳаси билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиатининг мажбуриятларини аниқ белгилаш, жамғарма томонидан сарфланган маблағларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво киритишда давлат божини тўлашдан овоз қилишни назарда тутувчи нормани киритиш тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш тартибини соддалаштириш ҳамда мuddатларни қисқартириш белгиланмоқда. Хусусан, бундай ҳужжатлар лойиҳасининг жамоатчилик муҳофазаси мuddатини 10 кун этиб белгилаш, 5 кун ичида тақлиф келиб тушмаган тақдирда лойиҳани ҳуқуқий экспертизага киритиш имкониятини бериш, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатини 20 кунга қисқартириш тақлиф этилди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул кўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этдилар. Шу билан бирга, ундаги айрим нормалар бўйича қонун ташаббускорларига аниқлаштирувчи саволлар бердилар. Мутасаддилар барча саволларга тушунтиришлар бериб ўтдилар.

– Ушбу қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди. Партиямиз гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, бир қатор тақлифлар берилди. Айтиш жоизки, лойиҳада назарда тутилмаган нормалар илҳомлар самаралорлигини ошириш, қонунчилик ҳужжатларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетидан стипендиатлар учун ажратилаётган маблағларни мақсадли сарфланишига хизмат қилади, – деди фракция аъзоси Шухрат Якубов.

Савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

# КЕЛАЖАК ЭҒАЛАРИ БИЛАН ЮЗМА – ЮЗ: ИСЛОҲОТЛАРДА ЯНГИ ЯВЛОД ОВОЗИ

Тадбир меҳмонларнинг университет ҳаёти ва моддий-техник базаси билан танишувидан бошланди. Таълим даргоҳининг замонавий талаблар асосида жиҳозланган тиббиёт лабораторияси фаолияти иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бу ерда бўлажак шифокорлар учун яратилган шароитлар нафақат билим олиш, балки илмий тадқиқот олиб бориш учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очган.

Шунингдек, университетда ташкил этилган махсус суд зали билан танишув чоғида соҳа мутахассислари талабаларнинг назарий билимларини амалиётда синаб кўришлари учун яратилган “имитация” жараёнларининг аҳамиятини алоҳида эътироф этдилар. Тадбирнинг асосий қисми университетнинг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Мўминжон Хўжаев модераторлигида “Раҳбар ва ёшлар” учрашувига уланди.

Учрашувни университет ректори Азизбек Исмоилов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда олий таълим масканлари нафақат билим маскани, балки ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлайдиган муҳим платформа эканлини таъкидлади. Шундан сўнг “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Робохон Махмудова талабалар билан самимий мулоқотга киришди.

– Яхши биласиз, сиз таълим олаётган масканнинг номи – Аҳмад ал-Фарғоний башарият тамаддуни, Шарқ ва Ғарб ўртасида илм кўпригини қураган буюк аждодимизнинг рамзидир. Фарғонийнинг муҳандислик тафаккури маҳсули бўлган “Нилометр”



ижтимоий адолатнинг дунёдаги илк моддий рамзларидан бири бўлган. Сабаби, ушбу қурилма Нил дарёсининг сув сатҳини 12 аср давомида миллиметр аниқлигида ўлчаб келган.

Кўрпаксизки, бизнинг аждодларимиз нафақат кўкдаги юлдузларни кузатган, балки ердаги адолат мезонларини ҳам илмий асосда қураганлар, – дея таъкидлади партия етакчиси маърузаси аввалида.

– Йил бошидан буён сафларимизга 220 мингдан зиёд янги маслақдошларимиз қўшилди ва ўсиш динамикаси нафақат кўкдаги юлдузларни кузатган, балки ердаги адолат мезонларини ҳам илмий асосда қураганлар, – дея таъкидлади партия етакчиси маърузаси аввалида.

– Йил бошидан буён сафларимизга 220 мингдан зиёд янги маслақдошларимиз қўшилди ва ўсиш динамикаси нафақат кўкдаги юлдузларни кузатган, балки ердаги адолат мезонларини ҳам илмий асосда қураганлар, – дея таъкидлади партия етакчиси маърузаси аввалида.

– Йил бошидан буён сафларимизга 220 мингдан зиёд янги маслақдошларимиз қўшилди ва ўсиш динамикаси нафақат кўкдаги юлдузларни кузатган, балки ердаги адолат мезонларини ҳам илмий асосда қураганлар, – дея таъкидлади партия етакчиси маърузаси аввалида.

Мулоқотда партия ёшларга сиёсий майдонда ўз сўзини айтиши учун имконият яратиб бериши таъкидланди.

– Мен кўриб турибман, оранжизда партиямиз сафларига қўшилишга, “Адолат” байроғи остида Ватан раёнақи учун хизмат қилишга тайёр йиғит-қизлар жуда кўп. Бу бизга улкан куч ва масъулият бағишлайди. Сизнинг партиямизга аъзо бўлишингиз – бу адолатли жамият қуриш йўлидаги шахсий масъулиятингизни юксалтиради. Сиз каби илмий ва жасур ёшлар билан бир сафда туриб, Янги Ўзбекистонда адолат таъминотини таъминлаймиз, – деди партия етакчиси.

Учрашувда Қонунчилик палатаси депутатлари Елена Борисова ва Тоҳир Полвонов, Муҳаммадjon Валиевлар сўзга чиқиб, парламент томонидан ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қабул қилинаётган қонунлар, янги тахрирдаги Конституцияда белгиланган кафолатлар ҳақида батафсил тўхталдилар. Депутатлар ёшларни мамлакатда кечаётган сиёсий жараёнларда фаол бўлишга, давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигида ўз тақлифлари билан иштирок этишга чорладилар.

Тадбирнинг савол-жавоб қисмида талабалар ўзларини қизиқтирган мавзулар – таълимдаги инновациялар, ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича саволлар беришди. Ҳар бир тақлиф ва муножаат диққат билан тингланди, партиямиз келгуси фаолиятида инобатга олиниши қайд этилди.

“Адолат” СДП матбуот хизмати

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА САМАРАДОРЛИК САРИ

## Фракция аъзоси Тоҳир Полвонов Хоразм вилоятида ўрганиш олиб борди

Аҳоли хонадонларига кириб бориш, фуқароларнинг таклиф ва ташаббусларини эшитиш ҳамда йиллар давомида ечимли келаятган масалаларга ечим топиш борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўтказган бу галги ўрганишлар самарали кечди. Хусусан, партия фракцияси аъзоси Тоҳир Полвоновнинг Хоразм вилоятидаги мониторинги фуқаролар дардини тинглаш ва мавжуд муаммоларга ижобий ечим топишнинг амалий ифодасига айланди.

### Аҳоли муурожаатларига эътибор ва спортчи-ёшлар билан учрашув



асосида сайловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган маҳаллий муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари белгилаб берилди.



Депутат дастлаб Боғот туманидаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишди. Бунда марказда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати, қулайликлар ва рақамлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилди. Муаммо билан келган фуқаролар тинглан. Масалан, Хударган ота Матмуротов 2022 йил юрагида жаррохлик амалиётини ўтказган. Сўнгги бир неча йилдан буён яна юрак касаллиги билан боғлиқ муаммолардан азият чекмоқда. Соғлиги ёмонлашгани сабабли тегишли ташкилотларга муурожаат қилган. Аммо ёрдам кўрсатилмаган. Депутат Тоҳир Полвонов билан учрашганидан сўнг, унинг ҳолати ўрганилиб, вилоят марказидаги кардиология мусасасасида бепул тиббий кўриқдан ўтши имкони яратилди.

Депутатлар томонидан "Ташаббусли бюджет" порталида етарли овоз тўплай олмаган, бироқ ижтимоий аҳамияти юқори бўлган лойиҳалар алоҳида назоратга олингани шу тўғрисида Тоҳир Полвонов Боғот туманидаги 41-умумтаълим мактабида замонавий спорт залининг йўқлиги ўқувчиларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом вояга етишига тўқсинлик қилаётганини инobatта олди. Депутат ташаббуси билан мазкур лойиҳани амалга ошириш, мактаб инфратузилмасини яхшилаш ва болалар учун янги спорт залини барпо этиш бўйича зарур чоралар кўрилиши белгилаб олинди.

### Хазораспда техникум фаолияти ўрганилди

Туманда жойлашган 1-сон техникум фаолияти ҳам депутат томонидан ўрганилди. Жараёнда таълим муассасасининг моддий-техник базаси, ўқув таълим муассасасига спорт зали киракчилиги депутат эътиборида бўлди. Бундан ташқари, бандлик хизмати фаолиятини яхшилаш, тўй ва оилавий маросимларни ихчамлаштириш, аёлларнинг ишлаш учун чет давлатларга чиқишининг олдини олиш, спиртли ичимликларнинг тегишли жойларда сотилишини назоратга олиш каби масалалар муҳокама этилди.

Шундан сўнг Тоҳир Полвонов "Боғот туман ҳокими олимпиадаси" мусобақасида иштирок этди. Мазкур тадбир ёшларнинг спортга кенг жалб қилиш, уларнинг жисмоний салоҳиятини ошириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилгани билан аҳамиятли эканини таъкидлаб, иштирокчиларга омад тилади.

Спортчи-ёшлар билан мулоқотда ёшлар мамлакат келажак экани, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, спорт соҳасини ривожлантириш, инфратузилмасини яхшилаш ва ёш истеъодларини кашф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам фикр алмашилди.

### Спорт зали қуриладиган бўлди

Президентимизнинг 2025 йил 29 августдаги "Ташаббусли бюджет жараёнларини тақомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори халқ вакиллари зиммасига улкан масъуляти юқлади. Мазкур ҳужжат

лан техникум фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг ривожланиши ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун молиявий маблағ ажратилиши белгиланган объектлар қаторида экани таъкидланди.

### Поликлиникада нима гап?

Депутат Хазорасп туманидаги "Пичоқчи" маҳалласида жойлашган 38-сонли оилавий поликлиникада ҳам бўлди. Мазкур тиббиёт муассасаси маҳаллада яшовчи 20 мингдан зиёд аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Поликлиникадаги ўрганишлар чоғида депутат, аввало, муассасанинг моддий-техник базаси, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик даражаси, замонавий тиббий ускуналарнинг мавжудлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати, беморларни қабул қилиш тизими ва профилактик ишлар самарадорлиги атрофлича таҳлил қилинди. 2-гурӯх ногирони Гулзода Хусанованинг ногиронлиқни узайтириш, иккала буйрағида тош ташхиси кў-



йилган Зебинисо Сайдметованинг операцияга муҳтожлиги тўғрисидаги муурожаатлари жойнинг ўзида тегишли масъуллар билан келишилди, амалий ёрдам кўрсатилмаган бўлди.

Муассаса масъуллари билан бўлиб ўтган мулоқот давомида поликлиникада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Шунингдек, маҳалла фаоллари ва аҳоли билан учрашув ўтказилиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва муурожаатлари тингланди. Фуқаролар асосан тиббий хизмат сифатини ошириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш ва шифокорлар сонини кўпайтириш бўйича таклифлар билдиришди.

Жумладан, депутат муассасанинг иситиш тизими билан боғлиқ муаммоларнинг атрофлича ўрганди. Маълум бўлишича, мазкур поликлиника ҳозирги кунда кўмир ёрдамида иситилади. Бу



эса бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқараётгани қайд этилди. Муаммони ҳал этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Хусусан, газ таъминоти тармоқларини кенгайтириш, зарур техник жиҳозларни ўрнатилиш ҳамда молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалалари депутат назоратига олинди.

### Ажрим ёқасидаги оилалар тақдири муҳокама қилинди

Фракция аъзоси Урганч шаҳридаги "Мустақиллик" маҳалласи "еттилик" томонидан амалга оширилаётган ишлар, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, айниқса, ажрим ёқасида турган оилалар билан ишлаш тизимини ҳам ўрганди. Маҳалла фаоллари олиб бораётган профилактик ишлар, аҳоли би-

лан мулоқот ва муаммоларни жойида ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ижобий баҳоланди. Жараёнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – ажрим ёқасида турган оилалар билан очиқ мулоқот ўтказилганидир. Депутат бундай оилалар аъзолари билан юзма-юз суҳбатлашиб, уларнинг муаммолари, оилавий келишмовчилик сабаблари ва ечим йўллари муҳокама қилди.

Суҳбатлар давомида маълум бўлди, айрим ҳолларда оддий тушуновчилик, иқтисодий қийинчилик ёки ўзаро мулоқот етишмаслиги оилавий зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Тоҳир Полвонов оилани асраш жамият барқарорлигининг муҳим омил эканини таъкидлаб, ҳар бир ҳолатда алоҳида ёндашув зарурлигини қайд этди. Шунингдек, маҳалла институтининг бу борадаги ўрни муҳим экани, "еттилик" аъзолари томонидан профилактик ишларни янада кучайтириш лозимлигига уруғ берди.

### "Яшил макон" лойиҳаси доирасида кўчатлар экилди

Хоразм вилоятида амалга оширилаётган "Яшил макон" умумий лойиҳаси доирасида навбатдаги тадбир ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов вилоятга ташрифи чоғида мазкур лойиҳа доирасидаги кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этди. Хусусан, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудида дарахт ва манзарали кўчатлар экиш ишлари ташкил этилди.

Тадбир давомида Тоҳир Полвонов юртимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ва яшил ҳудудлар майдонини кенгайтиришга қаратилган бундай лойиҳаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, экилган кўчатлар нафақат ҳудудни кўркамлаштиради, балки ҳавони мусофиро қилишга ҳам ҳисса қўшади. "Яшил макон" нафақат бугунги кун, балки келажак авлод учун соғлом муҳит яратишга хизмат қилади.

### Халқ вакили ёш шифокорлар билан мулоқот ўтказди

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишловлар изчил давом этмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан пайшанба – "Ёшлар кунини" деб эълон қилинган бу борадаги ишларга янги суръат бағишламоқда. Шу муносабат билан Тоҳир Полвонов Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолият юритаётган ёшлар билан учрашув ўтказди.

Депутат уларнинг кундалик фаолияти, иш шариоити, касбий ўсиш имкониятлари ҳамда соҳада дуч келаятган муаммолари билан қизиқди. Шунинг-



дек, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишловлар, ёш мутахассисларнинг қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари ҳақида атрофлича маълумот берди. Тоҳир Полвонов ўз сўзида ёш кадрлар соғлиқни сақлаш тизимининг таянчи эканини таъкидлаб, уларнинг ташаббуслари ва таклифлари доимо эътибор марказида бўлишини билдирди.

Ёшлар малака ошириш, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва иш шариоитларини янада яхшилаш бўйича ўз таклифларини айтишди. Шубҳасиз, бундай мулоқотлар ёшларнинг келажак бўлган ишончини янада оширади ва уларни юксак марралар сари илҳомлантиради.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
**Хоразм вилоят кенгаши**  
**матбуот котиби**

## Худудлардан хабарлар

### ЧИЛОНЗОРДА ХАЙР-САХОВАТ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кенг қамровли хайр-саховат тадбири ташкил этилди. Мазкур эзгу ташаббус "Adolat" СДПдан туман депутатлигига сайланган Алишер Хусанов раҳбарлигида амалга оширилди.



Тадбир доирасида тумanning "Бек Тўпи" ва "Ал-Хоразмий" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган ҳамда узоқ йиллардан буён оғир хасталик сабабли тўшаққа миҳлиб қолган фуқаролар ҳолидан хабар олинди. Уларга эҳсон улашиб, маънавий ва моддий кўмак кўрсатилди.

Мазкур хайрли тадбирнинг асосий мақсади – аҳолининг кам таъминланган қатламлари қўллаб-қувватлаш, айниқса, ногиронлиги бўлган ва доимий парваришга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг дарду ташвишларини тинглаш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал этишга кўмаклашидан иборат бўлди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик, айниқса, узоқ вақтдан буён жисмоний чеклов туйғули жамиятдан узоқлашиб қолган инсонлар учун маънавий кўтаринчилик бағишлайди.

Тадбир доирасида "Бек Тўпи" маҳалласида сектор раҳбари Б.Зияев бошчилигида 42 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага, "Ал-Хоразмий" маҳалласида эса сектор раҳбари А.Азларов раҳбарлигида 28 та хонадонда яшовчи эҳтиёжманд фуқароларга байрам эҳсонлари етказилди.

Маҳалла оқсоқоллари ва нурунийлар томонидан ушбу хайрли ишлар илқ қарши олиниб, бу каби ташаббуслар жамиятда ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва инсонийлик фазилатларини мустаҳкамлашга муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, бундай савобли ишлар йил давомида тизимли равишда давом эттирилиши йўлга қўйилгани қайд этилди. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига доимий эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодасидир.

### "ҚУЁШ" МАҲАЛЛАСИ ЙЎЛЛАРИ АСФАЛЬТЛАНДИ

Халқ вакиллари ва уларнинг асосий вазифаси сайловчилар дардини тинглаш ва уларнинг муаммоларига ечим топишдан иборат. "Adolat" СДП Сирдарё тумани кенгаши депутати Махбуба Шодиеваннинг фаолиятида ҳам ана шу тамойил бош мезонга айланган.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Махбуба Шодиеваннинг "Қуёш" маҳалласи сайловчилари ҳамда "маҳалла етилиги" билан ўтказган юзма-юз мулоқотида аҳоли томонидан муҳим масала – марказий йўл яроқсиз ҳолга келиб қолгани, бу эса аҳоли, айниқса, ёғингарчилик кунларида пиёдалар ва ҳайдовчилар учун қийинчиликлар туғдираётгани баён этилганди.

Мазкур муурожаат депутат томонидан назоратга олиниб, уни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилди. Депутат саъй-ҳаракати ҳамда туман Кенгаши билан яқин ҳамкорлик натижасида тегишли ташиқлотлар ва давлат ҳокимияти органларига асосланган маълумотлар киритилди.

Йўлнинг ҳолати ва аҳолининг ҳақли эътирозлари мутасаддиларга етказилди. Олиб борилган тизимли "югур-югурлар" ва қатъий депутатлик назорати ўз самарасини берди. Айни кунларда ушбу муурожаат тўлиқ қаноатлантирилиб, туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан маҳалланинг марказий йўлида сифатли асфальтлаш ишлари якунланди.

**Муниса СОБИРЖОН,**  
**Сирдарё вилояти кенгаши матбуот котиби**

### "РОМИТАН СИТИ"ДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ромитан туманининг "Гулистон" маҳалласида "Ромитан Сити" шаҳарчаси бор. Худуддаги кўп қаватли уйларда минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тумандаги жами 81 та кўп қаватли уйнинг 14 таси айнан шу ерда. Сайлов округимизда тегишли депутатлик ваколати доирасида иш олиб боряпмиз. Яқинда 2022 йилда фойдаланишга топширилган уйлар аҳоли талабларига қай даражада жавоб бераётганини ўргандик.



"Аслон Ислон қурилиш" сервис бошқармаси раҳбари Аслон Атоев ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими муҳандиси Умиджон Самандаров ҳамроҳлигида шаҳарча ҳаёти билан танишдик. Аввало, худудга киришингиз билан кенг қўламли ободончилик ишлари кўзга ташланади. Ҳар бир бино олдида ўриндиқлар ўрнатилган, манзарали дарaxтлар ва гуллар масканга фойз бериб турибди.

Болалар майдончалари эса кичкинтойлар билан гавжум. Аҳоли билан суҳбатлашиб, уйларнинг ертўла қисминини ҳам кўздан кечирдик: муҳандислик тармоқлари соз, захлик ва сув тўпланishi каби салбий ҳолатлар кузатилмапти. Уйларнинг том қисмига қуёш панеллари ўрнатилган.

Бу кўча чироқлари ва ертўлаларини электр энергияси билан таъминлашда қулайлик яратмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар ташаббуси билан аҳоли учун тоза ичимлик суви таъминоти ҳам йўлга қўйилган. Худуддаги иккита чиқиндиҳонадан чиқиндилар кун ора олиб чиқиб кетилмоқда. Жараёнда фуқароларимизга партияимизнинг жамоатчилик назорати механизми ва муурожаатлар билан ишлаш тартибини тушунтирдик.

**Лола АВЕЗОВА,**  
**халқ депутатлари Ромитан туман Кенгаши депутати**



# Сунъий интеллект ҳуқуқий тартибга солинад

Сунъий интеллект технологияларининг жадал ривожланиши уларни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан тартибга солишни заруратга айлантирмоқда. Шу нуқтага назардан, жорий йилнинг 14 мартида Ўзбекистон Рақамли технологиялар вазирининг "Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи билан "Сунъий интеллектга асосланган ечимларни яратиш, жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича этика қоидалари" тасдиқланди.

**Нодирахон ОБИДОВА,**  
Тошкент давлат юридик  
университети 2-босқич талабаси,  
"Адолат" СДП фаоли

Мазкур ҳужжатда сунъий интеллектга оид этика қоидалари нафақат умумий принциплари белгилайди, балки мазкур технологиялар билан боғлиқ тушунчалар, иштирокчилар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам аниқ очиб беради. Ушбу қоидалар мазмунан қаралганда, сунъий интеллектни тартибга солишининг комплекс механизмини яратишга қаратилганини кўриш мумкин.

Аввало, ҳужжатнинг умумий қоидаларида берилган тушунчалар алоҳида аҳамиятга эга. Унда сунъий интеллект инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилувчи, мустақил ўрғаниш ва қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган технологиялар мажмуи сифатида изоҳланади. Бу таъриф сунъий интеллектни оддий дастурий таъминотдан ажратиб, уни мураккаб ва мустақил таҳлил қилувчи тизим сифатида кўрсатади. Шу билан бирга, "сунъий интеллект иштирокчилари" тушунчаси орқали фақат ишлаб чиқувчилар эмас, балки ундан фойдаланувчи барча шахслар ҳам ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида эътироф этилади. Бу ёндашув масъулиятни кенгайтиради ва уни фақат технология яратувчиларга юклаган қўймасликка ҳизмат қилади.

Умумий қоидаларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, сунъий интеллектдан фойдаланиш мавжуд қонунчилик билан узвий боғланган. Хусусан, давлат сирлари, тижорат сирлари ва банк сирларини сақлашга оид талаблар, шунингдек, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга доир нормалар мажбурий тарзда қўлланилади. Бу эса сунъий интеллект алоҳида "эркин майдон" эмаслигини, балки амалдаги ҳуқуқий тизимнинг бир қисми эканини аниқлатади. Айниқса, сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарорларни яқиний қарор сифатида тан олмаслик талаби жуда муҳим бўлиб, у инсон назоратининг устуворлигини таъминлайди.

Этика қоидаларининг марказий қисми бўлган таъминотлар тизими эса сунъий интеллектдан фойдаланишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Қонунчилик таъминоти орқали барча жараёнлар амалдаги қонунчилик доирасида амалга оширилиши шартлиги мустақамланади. Бу эса технологияларнинг ҳуқуқий назоратдан четда қолишининг олдини олади. Шахс, жамият ва давлат манфаатларининг устуворлиги таъминоти эса сунъий интеллектдан фойдаланишда инсон ҳуқуқлари, ҳақсизлик ва ижтимоий барқарорлиқни биринчи ўринга қўяди. Бу принцип, айниқса, давлат бошқаруви ва ҳақсизлик соҳаларида муҳим аҳамият касб этади.

Тушунарлилик таъминоти сунъий интеллект тизимларининг очик ва изоҳланган бўлишини талаб қилади. Яъни, фойдаланувчи тизим қандай ишлаётганини тушуниши керак. Бу нафақат технологияга бўлган ишонччи оширади, балки низолар юзга келганда уларни ҳал қилишга ҳам оsonлаштиради.

Масъулият ва назорат таъминоти сунъий интеллектдан фойдаланишда энг муҳим ҳуқуқий қоғозлардан биридир. Унга кўра, барча қарорлар инсон назорати остида бўлиши, яқиний ҳулоса эса инсон томонидан қабул қилиниши лозим. Бу эса сунъий интеллектнинг тўлиқ автоном қарор қабул қилувчи субъектга айланшининг олдини олади.

Адолатлилик таъминоти алгоритмик тарафқашликка қарши қаратилган бўлиб, сунъий интеллект тартибларини турли белгиларга кўра камситмаслигини таъминлайди. Бу замонвий технологиялар учун долзарб масала ҳисобланади.

Очиклик ва доғрифлик таъминоти тизимлар фаолиятининг ошқорқа бўлишини талаб қилади, бу эса жамоатчилик назоратини кучайтиради. Маълумотлар ҳимояси таъминоти орқали эса шахсга доир маълумотлар ва бошқа махфий ахборотларнинг ҳақсизлиги таъминланади.

Ишончлилик ва ҳақсизлик таъминоти эса тизимларнинг техник жиҳатдан барқарор ва хатолардан холи ишлишини назарда тутadi. Айниқса, тиббиёт ва ҳуқуқий соҳаларда фақат сунъий интеллект ҳулосасига таянмаслик талаби инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати — сунъий интеллект иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилганидир. Ишлаб чиқувчилар ва жорий этувчилар сунъий интеллект тизимларини яратиш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга бўлиш билан бирга, уларнинг ҳақсизлиги, шафқофлиги ва адолатлигини таъминлаш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олади. Улар тизимнинг имкониятлари, чекловлари ва хавфлари ҳақида фойдаланувчиларни хабардор қилиши, шунингдек, алгоритмик тарафқашликнинг олдини олиши керак. Энг муҳим мажбуриятлардан бири — сунъий интеллект устидан инсон назоратини таъминлашдир.

Фойдаланувчиларга ҳам ушбу жараёнда фаол субъект сифатида қаралади. Улар тизимдан фойдаланиш қоидалари билан танишиш, тушунириш олиш ва зарур ҳолларда шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, улар ҳам қонунчилик талабларига риоя қилиши, маълумотлар ҳақсизлигини таъминлаш ва сунъий интеллектдан зарар етказувчи мақсадларда фойдаланмаслиги шарт. Бу икки томонлама мажбурият тизими сунъий интеллектдан фойдаланишда мувоzanатли таъминлайди.

Умуман олганда, 2026 йилнинг 17 июнидан кучга кирувчи мазкур қоидалар сунъий интеллектни ривожлантириш билан бирга уни ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан бошқаришининг мустақам асосини яратadi. У инсон манфаатларини марказга қўйган ҳолда технология тараққиётга йўл очadi. Шу жиҳатдан ушбу ҳужжат Ўзбекистонда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳақсиз, адолатли ва масъулиятли моделини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

БИЗИНГ ШАРХ

## АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИДА

# ЯНГИ БОСҚИЧ:

## ФАРМОНДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР

Президентимиз 2026 йил 3 мартда "Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида"ги фармонни имзолади. Ушбу тарихий ҳужжат мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимига туб ўзгаришлар киритиб, эрта никоҳнинг олдини олиш, маиший зўравонликка қарши кураш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янги босқичга кўтармоқда.

Фармоннинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Шухрат ЯҚУБОВ билан суҳбатлашдик.

— Президентимизнинг ушбу фармони жамиятда катта қизиқтириш уйғотди. Ҳужжатнинг асосий мақсадлари ва унинг олдинги қонунчилик ҳужжатларидан фарқи ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало, таъйиқлаш жоизки, Президентимиз томонидан имзоланган мазкур фармон мамлакатимизда аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат ҳисобланади.

Фармоннинг асосий мақсадлари — эрта никоҳ ҳолатларининг олдини олиш, оила институтини мустақамлаш, аёллар ва болаларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик ҳолатларини кескин камайитириш ҳамда жабрланувчиларни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишдан иборат.

Ушбу ҳужжатнинг аввалги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан асосий фарқи шундаки, у фақат ҳуқуқий нормаларни белгилаш билан чекланмай, балки профилактика, эрта аниқлаш, рақамли мониторинг ва идоралараро ҳамкорликни қамраб олган комплекс тизимни шакллантиришга қаратилган.

Фармоннинг моҳиятидан яна шунини аниқлаш мумкинки, унда жамиятимизда кузатилаётган муаммоларнинг ечимларига оид жуда муҳим тақдирлар илгари сурилган. Шунингдек, мазкур ҳужжатни давлатимиз раҳбарининг ижтимоий тармоқлардаги жамоатчилик фикрига, айрим зўравонлик, таъйиқ ва уларга нисбатан қўлланилаётган жазо чораларининг адолатлилиги, самарадорлиги, мутаносиблиги, муқаррарлиги борасидаги эътирозли масалаларга муносабати, жавоби сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Чунки ушбу фармон билан аҳолини ташвишга солаётган қўллаб-муаммоларга аниқ ечим берилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, мазкур фармонда жамиятни янги ислохотларга ишонтириш, ёшлар ва аёлларни рағбатлантириш, уларга нисбатан таъйиқ ва зўравонлик қилганлар учун жазо чораларини кучайтириш, мазкур соҳада давлат органлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга оид устувор ғоялар акс этган.

— Фармонда эрта никоҳнинг олдини олиш бўйича бир қатор муҳим чоралар белгиланган. Жумладан, 21 ёшга тулганда никоҳ тузган оилаларга имтиёзлар, никоҳ шартномаси тузганларни бождан озод этиш каби. Бу ўзгаришлар ёшлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?

— Бу чоралар, аввало, ёшларни оила куриш масаласига янада масъулиятли ва онгли ёндашишга ундайди. Чунки оила — бу нафақат ижтимоий институт, балки катта масъулият талаб қиладиган ҳаётий қарордир.

21 ёшдан кейин биринчи марта никоҳ тузган ёш оилаларни давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш, шунингдек, никоҳ шартномасини рағбатлантириш орқали оилавий муносабатларда ҳуқуқий маданиятни ошириш кўзда тутилган.

Бу ўзгаришлар натижасида ёшлар аввал таълим олиш, касб эгаллаш ва иқтисодий мустақилликка эришишга интилади, бу эса барқарор ва мустақам оилалар шаклланишига хизмат қилади.

Ушбу янгиликлар жамоатчилик томонидан оилавий муносабатларда жуда муҳим қадам сифатида ижобий баҳоланди. Чунки муайян ёшга етиб, оз бўлса-да, ҳаётий тажрибага эга бўлган сунг оила курилиши бу жамият етуқлигига ҳар томонлама ижобий таъсир кўрсатади. Ёшлар ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликлар, оилавий низо ва ажримларнинг камайишига хизмат қилади.

— Фармонда ҳомиладор талаба-қизларга олий таълимда "иккинчи имконият" яратиш кўзда тутилган. Бу қандай ишлайди ва нима учун бу масала фармонга киритилган?

— Бу норма аёлларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим. Амалда баъзи ҳолларда ҳомиладорлик ёки фарзанд тарбияси сабабли талаба-қизлар таълимни тўхтатишга мажбур бўлади.

Фармонга кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳомиладор талаба-қизлар ёки 3 ёшгача фарзанди бор талабаларга таълимни давом эттириш учун қўшимча имкониятлар яратилади. Масалан, курсдан қолган ёки талабалар сафидан чиқарилган шахсларга фанлар фарқини ўзлаштириш шарти билан ўқишни қайта тиклаш имкони берилади. Шунингдек, масофавий таълим шаклларини кенгайтириш орқали уларга ўқишни давом эттириш учун қулай шароитлар яратилади.

Бизга нима бериши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳа, бу каби тушунчалар замонвий жамиятда тобора долзарб бўлиб бораётган хавфли ҳолатларни бартафат этишни ифода этади. Қолаверса, ривожланган давлатлар ҳуқуқий амалиётида қўлланилади. Бизда ҳам бундай янгиликларни жорий этишга алоҳида эҳтиж мавжуд эди.

Масалан, фемцид — аёл кишини айнан унинг жинси сабабли қасддан ўлдириш ҳолатини англатади. Сталкинг — бир шахсни доимий равишда таъйиқ қилиш, унинг тинч ҳаётига хавф солиш демакдир.

Киберзўравонлик эса интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳақорат қилиш, таъдид қилиш ёки психологик босим ўтказишни англатади. Онлайн груминг эса интернет орқали вояга етмаган шахснинг ишончини қозониб, уни жинсий эксплуатация қилишга уриниш ҳолатидир.

Фармонда ана шундай замонвий таъдидларга қарши қонунчиликда аниқ жавобгарлик механизмларини жорий этиш вазифаси қўйилган.

— Жабрланувчи аёлларни ҳимоя қилиш бўйича фармонда SOS иловаси ва "Битта мурожаат нуқтаси" тизими белгиланган. Ана шулар ҳақида ҳам батафсил тушунча берсангиз.

— Дарҳақиқат, фармонда жабрланувчиларни тезкор ҳимоя қилиш механизмларини кучайтиришга алоҳида эътибор берилган.

Жумладан, ҳимоя ордери берилган аёлларнинг телефонларига махсус SOS сигнал тизими ўрнатилди. Бу функция орқали зўравонлик хавфи юзга келган пайтда ижтимоий хизматлар ва тегишли идораларга зудлик билан сигнал юбориш мумкин бўлади. Шунингдек, "битта мурожаат нуқтаси" таъминоти асосида турли ножиоз ҳаракатлардан жабрланувчиларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдамни бир жойинг ўзида кўрсатиш механизми такомиллаштирилди.

Бу таъйиқ ва зўравонликка учраши мумкин бўлган аёлларнинг ҳимояланиш имкониятларини оширади.

— Жинсий жиноятлар бўйича тергов ваколатининг прокуратурага ўтказилиши ва жазоларнинг оғирлаштирилиши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

— Фармонга мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган айрим жинсий жиноятлар бўйича терговни прокуратура органлари амалга ошириши белгиланмоқда. Бу, биринчи навбатда, бундай ишлар юзасидан холислик ва самарадорлиқни таъминлашга қаратилган.

Шу билан бирга, жиноят қонунчилигига ўзгартиришлар киритилиб, вояга етмаганларга қарши содир этилган айрим оғир жиноятлар учун жазо чораларини кучайтириш, айрим ҳолатларда эса умрбод озодликдан маҳрум қилишга қўйилган санкциялар назарда тутилиши белгиланмоқда.

Албатта, жазо чораларини оғирлаштириш қувонarli ҳолат эмас, лекин бугунги давр талабидан келиб чиқиб, бунини амалга ошириш мумкин. Чунки ижтимоий тармоқлар орқали ҳам ёшларга ва аёлларга нисбатан зўравонлик, бузуқлик ҳаракатлари учун жазо чораларини кучайтиришни жамоатчилик талаб қилмоқда.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш учун, уларнинг жами-

Албатта, жазо чораларини оғирлаштириш қувонarli ҳолат эмас, лекин бугунги давр талабидан келиб чиқиб, бунини амалга ошириш мумкин. Чунки ижтимоий тармоқлар орқали ҳам ёшларга ва аёлларга нисбатан зўравонлик, бузуқлик ҳаракатлари учун жазо чораларини кучайтиришни жамоатчилик талаб қилмоқда.

ятда эркин ва хавфсиз яшашларини таъминлаш учун зарур бўлса, жазо чораларининг кучайтирилиши адолат таъминотларига мос келади.

— Фармонда "Ўсмир-сигнал" электрон модули ва идоралараро ахборот алмашиш тизими яратиш белгиланган. Бу амалда қандай ишлайди?

— "Ўсмир-сигнал" электрон модули эрта никоҳ ва вояга етмаганлар билан боғлиқ хавфли ҳолатларни эрта аниқлашга хизмат қиладиган рақамли тизим ҳисобланади. Бу тизим орқали маҳалла, таълим муассасалари, тиббиёт ташкилотлари ва ФХДЭ органлари аниқланган ҳолатлар ҳақида ички ишлар органларига тезкор тарзда хабар бериши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, турли идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинади. Бу эса маълумот алмашиши тезлаштириб, профилактика чораларини ўз вақтида кўриш имконини беради.

— "Адолат" СДП фракцияси аъзоси сифатида ушбу фармон ижросини таъминлашда партия фракцияси қандай роль ўйнайди, деб ҳисоблайсиз?

— Албатта, мазкур фармоннинг самарали ижроси парламент, депутатлар корпуси ҳамда партияимиз жонқуралининг фаол иштирокини талаб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари сифатида биз, аввало, қонунчиликни такомиллаштириш, мазкур ҳужжатда назарда тутилган нормаларни амалга оширишга қаратилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этамиз.

Шунингдек, парламент назорати механизмлари орқали фармон ижросини жиҳатдан қандай амалга оширилаётганини ўрганиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тушунириш ва тарғибот ишларини олиб бориш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Фурсатдан фойдаланиб, барча фуқароларимизни, партияимиз фаолларини оилавий қариятларни асрашга, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга ҳамда жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга чақириб қоламан.

Муроидилжон МАХМУДОВ  
суҳбатлашди



# Соҳибқироннинг бунёдкорлик қудрати

**Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

1 Самарқандни ўзга юртларда кўрган энг гўзал меъморий бинолар билан беади, асирлар билан бирга олимлар ва файласуфларни олиб келди. Олимлар академия ва кутубхоналар билан таъминланди. Хунармандларга устакхоналар берилди, санъат ва адабиётнинг юксак намуналари яратилди, эл-орт обод, бозорлар савдо расталари билан жиҳозланди. Шаҳарларда астрономлар учун обсерваториялар қурилди. Империя пойтахти Самарқанд Амир Темур орзулари ушлаган маданий марказга айланди. Ҳар бир ғалаба натижасида янги қурилиш иншоотлари тикланди.

Дастлаб Амир Темур Кешни ўзининг пойтахтига айлантирмоқчи бўлди, бироқ шаҳарнинг олисда жойлашгани, айниқса, қишда боришнинг қийинлиги, чегараларни кенгайтиришнинг илҳами йўқлиги тўғрисида режасидан воз кечди. У ўзининг бой ўтмиши ва географик ўрни тўғрисида пойтахтга кўпроқ мек қилган Самарқандга борди. Кенг, бой ва табиий жиҳатдан кулай жойлашган Самарқанд кўплаб устуворликларга эга эди. Бундан ташқари, Самарқанд қадимдан Турон ва Эроний бирлаштирган, шунингдек, юнон ва сугдларнинг маданий қорамас натижасида шаклланган, айни пайтда, Кушонлар давлати доирасида ривожланган ғаройиб маданияти билан юнон-рум цивилизациясининг гуллаган давларини эслатади. У ерга турклар ёки уларга ўхшаш қардош халқлар (эфталитлар номи билан машҳур) 420 йилда кириб келган. Ўша даврда судг тили бутун Ўрта Осиёда миллатларга тил мақомига эга бўлиб, Буюк ипак йўли Самарқандни асосий ўтиш жойларидан бирига айлантирган. Олтин ва қумуш идишлар, зигир, хушбўй мойлар, шаҳар хунармандларининг маҳсулотлари, матолари, шунингдек, раққосалар ҳатто Хитойда ҳам анча машҳур, таниқли ва талабдор эди. Айнан шу даврда тери ўрнини эгаллаган қоғоз биринчи марта ишлаб чиқарилган.

Самарқанд, аввало, зиёратгоҳ, табаррук маскан эди. Искандар Зулқарнайндан анча олдин у ерда Фирдавсий «Шоҳнома»да куйлаган, кейинчалик турклар ўзларининг бош қаҳрамонларидан бирига айлантирган Афросиёб яшаган. Заки Валидий Тўгон «Ҳозирги кунда Туркистондаги санъат асарларининг энг ажойиб ва гўзал намуналари мана шу Темур ва темирүйлар даврига оидир. Чингизхон қадими турк давлати бошқаруви аънаваларини қайта тиклаган эди, Темирбек эса уни ислом маданияти билан озиқлантириб, мустақкам турк маданиятини юзага келтиришга ҳаракат қилди», деб Амир Темур яратган ва қолдирган бунёдкорлик меросини муносиб баҳолайди. Дарҳақиқат, Соҳибқирон олиб борган бунёдкорлик фаолияти, биринчи навбатда, шаҳар-қишлоқларни қайта тиклаш ва обод қилишга қаратилди. Аввало Қарши, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари тикланиб обод бўлди, Нақши Жаҳон, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор каби ун иккита гўзал боғ пойтахт Самарқандга янги ҳусн-тароват бахш этди. Амир Темур фармони билан ташландиқ ерларга сув чиқарилди.

Самарқанд атрофида йўللар қурилиб, Кўҳак – Зарафшон дарёси орқали кўприклар солинди. Тожик афроғига каналлар, жумладан, Сирдарёдан Оҳангаронга ҳам канал ўтказилди. Бухоро, Шахрисабз, Фарғона, Туркистонда карвонсаройлар ва бошқа қурилишлар билан бирга ирригация иншоотлари қад кўтарди. Амир Темур Марв воҳаси ва Мурғоб дарёси водийсида ўз даврининг энг тақомиллашган ва машҳур сугориш тизимини қурдирганлиги ҳам тарихдан маълум. Унинг бевоқиф фармойиши тўғрисида фақатгина Мурғоб дарёсининг ўзидан катта-кичик 20 та канал қазилган. Шу билан бирга, Амир Темур бўш, қаровсиз ётган ерларни боғу роғларга айлантириш, у ерда деҳқончилик маданиятини яхшилашга қаратилган ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлаган, ташаббускорларга эса турли хил имтиёзлар берган.

Шаҳарлар, қишлоқлар, мадрасалар, мақбаралар қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган кенг миқёсда олиб борилди. Қурилишга маҳаллий хунармандлардан ташқари Амир Темур забот этган мамлакатларнинг кўплаб қурувчилари ва меъморлари жалб этилди. Клавихо ўз асарига Самарқанд шаҳрининг мудоффа деворлари атрофида ҳашаматли биноларни, шаҳар ва қишлоқларни, хунармандчилик устакхоналарини, савдо расталари, умуман, байрамона манзарани тасвирлаган. «Бутун шаҳар боғлар ва узумзорлар билан ўралган, улар баъзи жойларда бир ярим, баъзи жойларда икки чакирим узунликда. Шаҳар эса уларнинг ўртасида жойлашган. Боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлаша борган сари баланд дарахтли бутун бир ўрмонга ўхшайди, унинг ўртасида эса шаҳар жойлашган. Шаҳар ва боғлар ўртасида кўплаб сугориш каналлари қурилган. Бу боғларда қовун ва пахта еттиштирилди. Бу ернинг нони мўл-кўл бўлганидек, шарбати ва гўшти ҳам, мева ва паррандалари ҳам сероб. Бу шаҳар шунчалик тўкин-сочин ва бойки, ҳайратланасан киши. Бу ернинг бойлиги фақат озиқ-овқат маҳсулотлари билан эмас, балки ипак матолари билан, жун ва шойи адраслари билан, ула-эликлари билан, олтин ва лазурит (қўм-қўқ) рангли тошлар билан ҳам кўзга ташланади...» Бундан ташқари, Клавихо турли мамлакатлардан келтирилган таниқли усталар, дунёнинг ҳамма давлатларидан олиб келинаётган маҳсулотлар тўғрисида ҳам хабар беради.

Улкан ҳудудни бирлаштирган Амир Темур ҳукмронлигининг дастлабки кунларидан Буюк ипак йўлини тиклаш ва уни ривожлантириш ишларига катта аҳамият қаратди. Унинг хавфсизлиги борасида қатор чора-тадбирлар қўрди. Соҳибқирон мамлакат фаровонлиги, унинг иқтисодий ривожини, бошқа давлатлар билан самарали алоқалар савдо-саноатнинг ўсиши билан белгилашини яхши англаб етган. Савдогарлар нафақат маълум маҳсулотлар олиб келишган, балки ўзга давлатларнинг иқтисодий-сиёсий ҳолатлари, халқларнинг урф-одати, аънавалари, одамлар турмуш тарзи бўйича маълумотлар ҳам беришган. Шу тариқа Самарқанд дунёнинг улкан савдо марказига айланди. Самарқанд бутун дунёга ўз маҳсулотларини сота бошлади. Клавихонинг хабар беришича, турли матолар, қумушдан ишланган буюмлар, чарм, темир ва қоғоз буюмлар, турли хил ҳарбий анжумлар сотилган.

Покистонлик тарихчи Жамол Аҳмад маданият, таълим ва илм-фан ривожини маданий иқтисодий база яратиш имконини берган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасидаги илохотларини ҳам алоҳида таъкидлайди. У шундай ёзади: «Амир Темур мулкни ҳимоя қилганидан ақлли ижтимоий ер қонуналарини тасдиқлади. Аскарларга тўғридан-тўғри давлат хазинасида маош берили бошланди, уларнинг қўлга олинган шаҳарларда талон-торож қилиши

ёки аҳолининг уйларига кераксиз бостириб кириши таъқиқланди. Деҳқонлар янги илохотлар остида гуллаб-яшнади, бу уларни суиистъмоил қилишдан ҳимоя қилди. Бошқарувнинг биринчи йилида деҳқонлар солиқлардан озод қилинган. Савдо унинг даврида гуллаб-яшнаган. Самарқанд ва Табриз Шарқинче буюк савдо марказларига айланган. Савдогарлар учун Амир Темур Худонинг хабарчисига айланди. Улар ўз қонунлари ҳимояси остида эркин ҳаракат қилишлари мумкин эди, фақат бир марта божхона божини тўлайдилар. У Чингизхон босқини билан ёшлаган трансконтинентал йўналишларни қайта очди.»

Манбаларда келтирилган хулосалари умумлаштириладиган бўлса, Амир Темур савдо-сотик, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги иқтисодининг давлат ва жамият фаровонлигини оширишдаги аҳамиятини жуда яхши тушунган. Бу борада йўллар (логистика), кўприклар, ирригация иншоотлари қуришга, аҳоли тураржойларини ободонлаштиришга, халқлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратади. Сугориладиган деҳқончилик билан бир қаторда дашт қўчманчи ва яйлов қорвачилиги, қўйчилик, йилқиччилик, овчилик ривожланган. Қизилқумнинг бепоён кенгликларига тўялар етиштирилган. Паррандачилик ўтроқ аҳолининг фойдали машғулотини бўлган. Энг муҳими, аҳолининг иқтисодий фаоллиги даромадлар ва унинг харид қобилияти ошишига, уй-жой шароитларини яхшилаш истиагига айланди, бунинг натижасида Турон ҳудудида шаҳарлар, қишлоқлар деярли янгидан қурилди. Йирик шаҳарларда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар ва Буюк ипак йўли кўриқлари томонидан бошқа мамлакатлардан олиб келинган товарлар билан фаол савдо-сотик амалга оширилди. Бу мўйна, қулоччилик, зирворлар, маржонлар, доривор ўтлар ва бошқалар эди. Қорамол ва бошқа турдаги ҳайвонларни фаол равишда сотишган. Озиқ-овқат бозори сут ва гўшт маҳсулотлари билан тўйинган. Шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолисининг яқин иттифок ва иқтисодий ҳамкорлиги, хунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва савдо қарвонларининг жадал ва ўзаро боғлиқ мувозанатли ривожланиши натижасида Амир Темур империясининг қудрати ва халқ фаровонлигининг ўсишини таъминлайдиган ўзига хос иқтисодий саноҳият шаклланди. Барча уч компонент – кичик шаҳар хунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва савдоси бир-бирини тўлдирди ва ўзаро қўллаб-қувватлади, давлат ва халқни зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлашга эришилди.

Савдогарлар ўз хавфсизликларини учун катта бўлмаган миқдорда солиқ ва йўл божларини тўлашган ва уларнинг Европададан Кавказ, Турон, Ҳиндистон ва Хитойгача бўлган йўллари ҳокимларнинг махсус қўшинлари томонидан ҳимояланган. Мабодо савдогарлар юки қароқчилар томонидан тананаси, шаҳар маъмурияти ўғирланган юк қийматини тўлаб беришга мажбур эди. Бундай тар-

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур халқни ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига жалб этишда ва уни жамият ҳамда давлат манфаатларига мос тарзда унлашда меҳнатини моддий рағбатлантириш тамойилларидан унумли фойдаланишга эришди. Соҳибқироннинг аҳолини ортиска солиқлардан ва айрим ноинсоф солиқчилар таъжовузидан ҳимоя қилишга, вайронга айлантирилган йўл ва каналларни тиклаш ва янгиликларни қуришга давлат маблағларини сарфлаш, меҳнаткаш элга нисбатан ғамхўрлик қилиш, кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини аҳолини жалб этиш орқали уни иш ва даромад билан таъминлаш каби саъй-ҳаракатлари инсонпарвар ижтимоий сиёсатининг хосисати эди. Ушбу дунё сиёсат натижасида жамият, давлат иқтисодий манфаатлари билан заҳматкаш эл иқтисодий манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунлик юзага келди, ушбу манфаатлар бош мақсадга, яъни иқтисодий пойдеворни мустақкам буюк давлат барпо қилишга йўналтирилди. Шу билан бирга, ушбу тадбирлар салтанат хазинасини тўлдирди, мамлакат иқтисодий қудратини юксалтиришнинг ишончли манбаига айланди.

тиб, шубҳасиз, ҳокимларнинг масъулия ва жавобгарлигини оширишга ҳизмат қилган. Босиб олинган ҳудудларда Соҳибқирон солиқ юкни камайтиришга ҳаракат қилган. Бу, ўз навбатида, босимни тушириш асосида иқтисодий ўсиш суръатларини оширишга олиб келган. Мунтазам ва изчил солиқ тўловчиларнинг сони ва миқдорини оширишга ҳизмат қилган.

Соҳибқирон бунёдкорлик, илму фан ва маъмуричилик ишларини нафақат она юрти Туронда, балки ундан узоқ бўлган мамлакатларда ҳам муваффақиятли олиб борди. У бузилган ва талафотга юз тутган Бағдод шаҳрини, Қобул водийси ва Муғон шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, чўлларига сув чиқариш, Озарбайжондаги Дарбанд қалъаси ва Байлакон шаҳарларини қайта тиклаш, янги жамоа биноларини қуриш, Озарбайжоннинг Арс дарёсидан чўлга канал қазиб, обод бўстонага айлантириш каби ишларни қилган. Бундан ташқари, Хуросон ҳудудидаги Балх шаҳрини қайта тиклаш ва обод этиш, Хитой чегараларида жойлашган узоқ Ампар шаҳри ва Бош Хумра қалъасини таъмирлаш ва обод қилиш ишларини амалга оширди. Исфаҳондаги катта кўприкни қайта қурдирди. Амир Темурнинг меҳри тушган, таъмир ва маъмуричиликка муҳтож бўлган ерлар хоҳ Туркистонда бўлсин, хоҳ ўзга юртларда унинг ҳиммати ва эътиборидан четда қолмади. Оддий халқ тили билан айтганда, Амир Темур ўз ҳаёти давомида «минг бир» хайрли ва мўътабар ишларга қўл урди ва уларни қойлмақом қилиб урдалади.

Амир Темур исломни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишларни амалга оширди. Ҳиротда 350 мадраса бўлиб, улардан бирида 40 минг одам ўқиб, бир йилда 4 минг талаба битирган. Бундан ташқари, Ҳирот атрофида 12 та катта ирригация канали қурилади. Уларнинг барчасини Амир Темур қўллаб-қувватлаган. Ибн Арабшоҳ келтирган маълумотларда Амир Темурнинг иқтисодий илохотлари муайян тизимли хусусият касб этгани кўринади. Жумладан, у шундай таъриф беради: «Темур ўз ғойибубида мамлақати ва райяти ишларини нелар юз берганини сурштириб, еру мулкларни масалаларини диққат билан урған бошлади ва ҳокимларга йўл-йўриқлар кўрсатди; атраф ва чегараларни, теваарак-чеплар фойдаси таъбирини кўриб, каттаю кичикнинг ғамини еб, бою факрининг манфаати билан машғул бўлди, ўз мулоҳазаси тақозосига кўра барча ашёларни ўз ўрнига қўйиб, жами мансабу мартабалар жоловини ушанга сазовор қиллар қўлга тулқанга бошлади. У саййидларнинг эъозлаб, қаромат соҳиб бўлган аелиёларни иззату иқромли қилди, илму фани ва унинг ахллари ҳурматини ошириб, уларага муруватини сочиб, мартабаларини улғуллади; у муфсидларни бартараф қилиб, муртадиларнинг илдизини қуритди, зиногирларни бундириб, ўғирларни салб эттирдики, ниҳоят, унинг шундай сазъ-ҳаракатлари тўғрисида салтанат юмушлари тартиб-интизомли бўлиб, ҳукумат рисоладагидек фаолият кўрсатди.»

Амир Темур деҳқонлар учун шароит яратиш кучли марказлашган давлатнинг гуллаб-яшнашига ҳизмат қилади, деган фикрда қатъий бўлган. Уларга давлат хазинасидан молиявий ёрдам кўрсатилган. Мунтазам равишда давлат амалдорлари камбағалларга озиқ-овқат, кийим-кечаклар, меҳнат қуроллари, бепул овқатланиш ҳамда ногиронларга давлат томонидан доимий ёрдам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, ўз даврида кўрсатган хизматлари учун ноб ижтимоий сиёсат тури сифатида нафақалар бериш тизимини яратилган. Амир Темур бу борада шундай дейди: «Яна амр қилдимки, ҳароб бўлиб ётаган ерларда қоризлар курсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (яъне) кўприклар солсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар бунёд этсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқилар қўйсинлар, ҳар бир работча бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари ушларга тевишли бўлсин. Йўловчлар молларини гафлат босиб ўқиратиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ушларнинг зиммасида бўлсин.»

Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақир мусликларга лангархоналар солсинлар, касаллар учун шифохоналар курсинлар ва уларда ишлаш учун таъбирлар тайинласинлар.»

Соҳибқирон деҳқончилик ишлари ва ундан олиннадиган солиқ ва тўловларнинг адолатли мезонларини ишлаб чиқари. Аҳолидан солиқ йиғишда уларни чиқари ахлоқ солимидан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақлашни тўртасида қонидлар жорий этди. Чунки райиятни хонаварон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, деб қарайди. Шу тариқа ҳар бир ижтимоий ва иқтисодий муносабатнинг ўзаро боғлиқ тартибларини белгилайди.

Ватан, халқ тақдирини, миллат, шажара ва ҳаёти, уни ҳаракатга келтирадиган айрим шахслар фаолияти натижасида тарих пайдо бўлади. Ана шу тарих асосида юксалиш, тараққиёт юзага келади. Шахс, инсон эса ижтимоий ва сиёсий, иқтисодий адолатни қарор топтиради. Тарихда яшаб ўтган ўнлаб, юзлаб инсонлар ҳақиқат, адолат, ҳақиқат чироғини ёқиб, ҳаётни нурга тўлдирган. Соҳибқирон Амир Темур ҳам тарих майдонига ана шундай – ҳақиқат, озодлик ва истиқлол, ўз халқни, миллатни мустақиллигини қўлга киритиш, энг муҳими, юртининг фаровонлигини таъминлаш мақсадида чиқиб келган.

## Миллат дардларига дармон бўлган шахс

**Мурод НОМОЗОВ,**  
Булунғур туман 1-сон техникуми директори

Амир Темур давлатни равақ топтиришда илм-фаннинг аҳамияти нақадар зарур ва буюклигини чуқур ҳис қилган. Шу сабаб олиму уламоларга катта иззат-иқром кўрсатган. Ўзи ҳам фалякиёт, тиббиёт, меъморчилик, математика илмларидан хабардор бўлган. Шахматни яхши билган, тарихни, айниқса, ҳарбий тарихни севиб ўрганган. Темурбек билан юзма-юз суҳбатлашишга муяссар бўлган араб файласуфи Ибн Халдунийнинг таъкидлашича, жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини чуқур ўрганган, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг энг мураккаб жиҳатларини яхши ўзлаштирган.

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сида Амир Темурга хос фазилатлар хусусида тўхталар экан, алломаларга нисбатан муносабати ҳақида бундай деб ёзади: «Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз насиҳатлари билан қадимда подшоҳларга ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмайсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустақамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир. Сизлар бу ишларни амалга оширишда менга ўз маслаҳатларингиз билан кўмаклашингиз керак. Мамлакатнинг аҳоли, девоннинг суиистъмоил қилинганлиги ва қилинаётганлиги, оддий одамларнинг жойлардаги ҳокимлар томонидан қисиб қўйилиши каби ҳоллар ҳаммадан кўра сизларга оғиндир. Шулар ҳақида маълумот берсангизлар, бу каби адолатсиз ишларни бартараф этувчи ҳамда шароит ва қонуналарга мувофиқ чора-тадбирларни айтсангизлар яхши бўларди. Азар олдин бизнинг диққат-эътиборимизда ўзга мамлакатларни шифол қилиш учун бўлган ҳарбий юришлар турган бўлса, эндиликда мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир. Бу олижаноб ишда менга ёрдам беришларингизни илтимос қиламан.»

Кўриниб турибдики, Соҳибқирон давлатни бошқариш, фуқаронинг турмуш шароитларини яхшилаш ишларида ўзгаларнинг жўяли маслаҳатларидан ҳам ўринли фойдаланган. Замонаси талабига ҳар томонлама амалий жавоб бера оладиган, тафаккури чуқур инсон бўлган. Дарҳақиқат, Темур ўнг ва сўл қўлларида бирдек ёзишни машқ қилган. Кейинчалик эса мукаммал хусният битишга, моҳирлик билан қилич ўйнатишга ўрганган. Амир Темур Мовароуннахрни тиклашни қурултойлар ўтказишдан бошлаган. Унда шаҳзодалар, амалдорлар, амирлар, лашкарбошилар, олиму уламолар ва бошқалар қатнашиб, давлат ҳаётига доир барча муҳим масалаларни баҳамжиҳат ҳал этганлар. Соҳибқироннинг дину диёнат, илм аҳлига муносабати халққа, Ватанга муносабатининг узвий бир бўлагидир. У ислом динига катта меҳр-муҳаббат билан қараган, Куръонни муқаддас қилган. Дин пешволарига иззат-иқром кўрсатган. Давлат ишларини юритишда уларнинг фикрларига қўлоқ тутган.

Умр бўйи салтанат ва миллатнинг улғу мартабасини, саодатини сақламоқ, таъвиши билан яшади: «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазибамиздир. Зоифларни кўринг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз ўлсун», деган теран сўзлар асосида яратилган «Тузуқлар» эл-юрт ва, айниқса, оддий меҳнат аҳли ҳимояси учун дунёга келганини англаб олиш мушкул эмас. Амир Темурнинг шухратини оламга ёйган нарсаси унинг эзгу сиёсати, илми ва маърифий ишлари эканлиги асло шубҳа йўқ. Амир Темур нанкинки ўз юрти Мовароуннахрда, балки ўзи фатҳ этган бошқа мамлакатларда ҳам адолатни тиклади. Тижорат ишларини гуллайтиб-яшатди. Савдо қарвонлари хавфсизлигини таъминлади. «Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим», деган сўзлари унинг қандай шахс бўлганлигини кўрсатади.

## Миллий давлатчиликнинг юксак намунаси

Айни кунларда юртимизда жаҳон тарихида ўзининг мустақкам иродаси, юксак ҳарбий маҳорати ва адолатпарвар давлатчилик тамойиллари билан алоҳида ўрин тутган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори қабул қилинди.

**Зилемхон САЙФИДДИНОВ,**  
ТДЮУ қошидаги академик лицей ўқувчиси

Амир Темур XIV асрда Марказий Осиёда кучли ва марказлашган давлат барпо этгани ва унинг сиёсий ва ҳарбий фаолияти қисқа вақт ичида улкан ҳудудларни қамраб олган қудратли салтанатни шакллантиришга ҳизмат қилгани барчамизга маълум. Соҳибқирон бобомиз нафақат забардаст саркарда, балки пухта ўйланган давлат бошқаруви тизимини яратган етук сиёсатчи сифатида ҳам тарихга кирган.

Амир Темурнинг давлатчилик фалсафасида адолат ва интизом асосий ўринни эгаллайди. Унинг машҳур «Куч – адолатдир» шiori бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. У давлатни бошқаришда қатъий қонуналар ва тартиб-интизомни устувор деб билган, ҳар бир қарорни халқ манфаати нуқтаи назаридан баҳолаган.

Соҳибқирон даврида илм-фан, маданият ва меъморчилик соҳаларида улкан ютуқларга эришилди. Айниқса, Самарқанд шаҳри дунё цивилизациясининг йирик марказларидан бирига айланди. У ерда қад роставган муҳташам иншоотлар, ривожланган илм-маърифат муҳити Амир Темур даврининг юксак салоҳиятини далolat беради.

Маълумки, Амир Темур Чингизхон авлодидан бўлмагани сабабли аънаваний тарзда «хон» унвонини қабул қила олмас эди. Шу боис «амир», яъни саркарда сифатида эътироф этилди ва айнан шу унвон билан тарихда машҳур бўлди.

Бироқ Амир Темур сиёсий мавқеини мустақкамлаш мақсадида Чингизийлар сулоласи билан қариндошлик алоқаларини ўрнатади. У чигатой улусига мансуб мўғул хонлардан Қозонхоннинг қизи Сароймулкхонимга уйланган, унга «Кўрагон» («хон кўеви») фахрий унвон берилади.

Амир Темурнинг мероси фақатгина тарихий ёдгорликлар ёки ҳарбий юришлар билан чекланмайди. Унинг шаҳарлар барпо этиб, боғлар, ариқ-зорвурлар қурилиши орқали аҳоли фаровонлиги учун қулай шароит яратгани нақадар фуқаропарвар бўлганидан далolat беради.

Бир сўз билан айтганда, Амир Темур ва Темирүйлар томонидан амалга оширилган ишлар жаҳон ҳамжамияти томонидан бугунги кунда ҳам юксак эътироф этилмоқда. Унинг бой маданий меросини ўрганиш ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган.



# КАЧОН ВОЗ КЕЧАМИЗ?! ВА НОВЕЛЛАЛАРДАН ТУТУРИҚСИЗ СЕРИАЛ ҚАЙНОТАМ МЕНИ...

Бугуннинг гапи

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли,  
журналист

Этибор берсангиз, аввалгига қараганда бугунги кун томошабини телевидениеда намойиш этилаётган сериал ва теленовеллалардан катта маънавий юксалиш ёки жиддий гоё кутмай кўйди. Бу тасодиф эмас. Негаки, ракурс яна ўша – янги тасмада эски ғавролар: қайнона-келин можароси, сунлий рашик, мантқиқсиз хиёнат, журъатсиз эркак образи ва шарм-ҳаё тушунчасидан йироқ “эркинлик” талқини. Гап исботи билан бўлса, марҳамат: “– Лола?! Хужайин?! Бу ерда нималар бўляпти?!”

– Упканени бос. Сен менга бақир-япсанми? Кеча бу ерга келганимдаёқ, бир-биримизга кўнгли кўйдик. Бугундан бошлаб Лола меники бўлади. Агар кимдир йўлмага гоё бўладиган бўлса, мендан яхшилик кутмасин.  
– Тўппа-тўғри. Мен сизникиман! Баҳром акага бугун сизни севганимни айтмоқчи эдим.  
– Айтишинг шарт эмас. У ақлли й-гит. Ҳамма нарсани тушунади. Тўғрими, Баҳром?!  
– ...  
– Нима, тилингни ютдингми?  
– Тушундим. Лекин ғалати эмасми, хўжайин? У менинг хотиним эди?..  
– Нимаси ғалати?! Кеча сенки эди, бугун меники. Энди ғалатимас. Ҳали сенга зўридан топиб бераман...”

Инсон қадрини, оила муқаддаслиги, садоқат, масъулият каби тушунчалар саҳна бедагига айланганлиги, қаҳрамонлар ҳис-туйғуси бозор молидек “кеча сенки, бугун меники” қилиниши солиниганидан аччиқландингизми? Бу табиий. Зеро, томиримизда ўзбекона андиша ва ғурур ҳали сўнмаган. Аммо бу каби сунлий ва захарли саҳналар онгимизга қаердан суқилиб кирмоқда? Тўғри, Лотин Америкаси, Туркиянинг рейтингбоп “ишқий” машамшалари ёки Ғарбнинг чегара билмас “эркинлик”лари ақлақон дунёни захарлади. Масалан, қаҳрамонларнинг бир-бири билан ўн марталаб оила қуриши, қариндошлик ва ахлоқ тушунчаларининг оёқости қилиниши одатий ҳолга айланди. Бироқ бу дегани ушбу йўналишда “ўзбекча франшиза” бўлиши керак, дегани эмас-ку?!

## ПОМИДОР САНАГАН ҚАЙНОТАЛАР ВА МАИШЙ БОТҚОҚ ФОЖИАСИ

Энг катта инқирозимини шундаки, мазкур уз-луқсиз такрорлар томошабин қалбига “бу ҳам хаёт-да” деган хато ва хавфли тасавурини шакллантирмоқда. Эркак образининг ошхонадаги масаллиқни пойлайдиган шахсга ай-



Аҳмадjon МЕЛИБОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Жаҳон адабиёти” журнали бosh муҳаррири:

– СЕРИАЛЛАР ҲАҚИДА ЖУДА КўП ГАПИРАМАН. БИЗ ҲИСОБЛАБ КўРСАК, ЮРТИМИЗДА АЙНАН ШУ СЕРИАЛЛАР ТАЪСИРИДА 22 ТА ЯНГИ ЖИНОЯТ ТУРИ ПАЙДО БўЛИБДИ. МАСАЛАН, ОТАСИНИНГ ТАОМИГА ЗАҲАР КўШИБ КўЙИШ, КЕЛИНИНИ ЎҒРИГА ЧИҚАРИШ ВАҲОКАЗО, ШУНДАЙ ЗАМОНГА КЕЛДИККИ, ҲОЗИР БИРОНГА ТИНЧ ОИЛА ЙўҚ. ҲАММА-СИДА ЖИНОЯТ БОР, ФИРИБГАРЛИК БОР. ҚАЙНОНА ДЕГАНДА ЖОДУГАР, ҚАЙНИСИНИНГ ДЕГАНДА ИҒВОГАРНИ КўЗ ЎНГИМИЗГА КЕЛТИРЯПМИЗ.

лантирилиши-чи? Куйидаги суҳбатни ўқиб, ҳар қайси онгли киши уялиб кетса керак:  
“– Ие, нонуштага нон билан ширинчой бўлса бўлди-да, келин. Конфетни ким олиб қидди? Майли, олиб чиқишга чиқиб-сизлар, лекин емай ўтиринглар! Яна аччиқ чой дамлабсизми? Кейинги сафар номига куруқчой солсангиз етади!..  
– Маня, сизга “ибрат”! Битта конфет ва бир чимдим чой устида хотин-халаж билан талашаётган, рўзгорнинг майда-чуйдасига уралашиб қолган қайнота образи. Бу ҳали хамир учидан патир. Давоми:  
“– Кимдан сўраб торт пиширдигиз? Қанча масаллиқ кетди, а? Тоза ўзбошимча бўлиб кетибсанлар-да!  
– Адажон, ахир мен ҳам ўз бизнесини йўлга қўймоқчиман...  
– Бизнес?! Менинг ҳисобимданми? Маня, кўриб кўйларинг, хотинларнинг эркалатиб юборибсанлар! Менинг уйимдаги менинг масаллигимдан торт пиширмиш-а!..  
Хатто музлаткичдаги санаб қўйилган помидорлар ҳам қайнота эътиборида: “Келин, 6 та помидор бор эди, 5 та қолдишимиз?” деган саволга “Жигилдоним қайнаганига еганим” жавоби берилди. Тасаввур қиялосизми, инсон қадрини битта помидор ёки тортининг даражасига туширган “ижодкорлар” жамиятни маишйлик ботқоқига ботираётганими? Ойлангиз устун, хонадоннинг дуоғўйи ва ҳайбатли тоғи бўлиши керак бўлган ОТА образини ошхонадаги қозон-товоқ пойлоқчисига айлантиришдан ким манфаатдор?

Тўғри, ҳаётимизда майдакаш қайноталар, диёнатсиз эркаклар ёки помидор санаган бахил кимсалар йўқ эмас, бор. Лекин уларни экранга олиб чиқиш, ҳар кун миллионлаб хонадонлар тўрида “қаҳрамон” сифатида намойиш этиш – бу иллатни фож килиш эмас, аксинча, уни нормаллаштириш эмасми? Қаҳрамон бери ўзбек хонадонининг фаизи бўлган оқсоқол отахонларимиз образи ошхонадаги масаллиқ учун жаврайдиган даражага тушиб қолди?..  
Одатда ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари бундай енгна-епи намойишларнинг кўпайиб кетганида Ўзбекино миаллий агентлигини айблаётди. Аслидачи? Кузатувларимизга кўра, бундай савиясиз сериал ва новеллаларнинг катта қисми хусусий телеканаллар томонидан бюртма берилгани ёки намойиш учун имконият яратилаётгани кўзга ташланмоқда.  
Мухтасар айтганда, биз телевизорни “маънавий хордиқ” учун ёқамиз, маънавий зўриқши ёки дисциплна таъминини олиш учун эмас. Тутуриқсиз сериаллар ва новеллалар занжирини узини ўзимиздан бошладик. Токи экранларимизда юксак одоб, миаллий ғурур ва ҳақиқий инсонийлик тараннум этиласин. Зеро, миаллатнинг диди унинг экрандаги кифёаси билан белгиланади. Биз қандай кифёада кўринишини истайми? Майдакаш ва тутуриқсизми ёки олийҳиммат ва савияли? Танлов ўзимизда, лекин вақт ганимат.

## “НОВЕЛЛА” НИҚОБИДАГИ НАМОЙИШЛАР

Ишдан чарчаб қайтган, озгина маънавий хордиқ илнжида телевизор ёки ижтимоий тармоқни ёқсангиз, ҳар қадамда “новелла” лар туркумига дуч келасиз. Хўш, аслида новелла нима? Мумтоз адабиёт ва санъатшуносликда новелла – бу ҳаётни зиддиятлар, қутилмаган ечим ва юксак инсоний фалсафага асосланган қисқа ҳикоя ёки саҳна асаридир. Унинг асл мақсади инсонни мушоҳадага чорлаш, жамиятдаги иллатларни фож этиш орқали гўзаллик ва ахлоқни тарғиб қилишдан иборат. Бизнинг экранларимиздаги маҳсулотларнинг катта қисми эса бу меъёрдан мутлақо йироқ. Бойси, инсон онгини захарлаб, маишй ботқоққа ботирувчи арзон тижорий кўролар ижтимоий тармоқлардаги маънавий чи-

қаерда қолади? Миллат генофонди, унинг минг йиллик андиша ва ҳаё пардасичи? Қайнона-келин машамшалари орқали эса аёл зоти фақат фитнес, ҳасад ва майдакашлик тимсоли сифатида талқин қилинмоқда. Биз қачон бундай маънавий қашшоқликдан воз кечамиз? Қачон экранларимиз помидор санаш” ва “маҳрамга хиёнат” каби тубаниклардан тозаланиб, ҳақиқий инсонийликни куйлайдиган новеллаларга қайтади?..  
Энг даҳшатлиси, бу каби ҳаёсиз сюжетларнинг бари камда юз минглаб, “бозори чаққон”лари эса миллиондан ошқ март томоша қилинган! Бу рақамлар жамият сифатида маънавий тубанликка кўзимиз ўрганиб, дидимиз ўлиб бораётгани, маънавий мағлубиятимиз исботидан бошқа нарса эмас.

## МАВЗУСИЗЛИК – ОЖИЗЛИКМИ?

Баъзи ижодкорлар томошабин савиясини пастлигидан нолишади, “одамлар шунини сўраётми” деб ўзларини оқлашади. Аммо бу шунчаки маъсулиятдан қочиш ва ўз истеъдодсизлигини яширишидир. Масалан, кўшни қирғизларнинг “Жаннат – оналар оёғи остида” фильмига эътибор беринг. Режиссёр Руслан Ақун томонидан суратга олинган ушбу картина 2024 йилнинг баҳорида катта экранларга чиққан. Фильмда 35 ёшли, ақлий ривожланиши 8 ёшли бола даражасида бўлган Одил исми йигитнинг онасини Мақкага, Ҳаж зиёратига пиёда олиб бориши ҳикоя қилинади. Унда на маишй жанжал, на хиёнат бор, фақат беғурур фарзандлик меҳри ва иймон тасвирланган. Фильм Қозғистон ва Қирғизистон кинопрокатига мутлақ рекорд ўрнатди. Фақатгина Қозғистоннинг ўзида намойиш этилган дастлабки икки ҳафта ичида фильм 1 миллирдан тегнадан (тахминан 2,2 миллион доллар) ортқ касса йўғди. УМДҲ ҳисобда фильм Марказий Осиё ва Ордқ давлатларида 5 миллион доллардан ортқ соф фойда кўргани айтади.  
Фильм нафақат туркий давлатларда, балки Россия, БАА ва бошқа мамлакатларда ҳам муваффақиятли намойиш этилди. Бу фильм “сифатли ва маънавий маҳсулот ҳам катта пул келтириши мумкин” эканига амалий исбот бўлди. Ҳозир унинг давоми — “Жаннат 2” катта ҳаяжон билан қарши олинмоқда.

Бизнинг адабиётимизда, тарихимизда, бугунги кунимизда қанчадан-қанча забардаст образлар, ибратли тақдирлар бор! Нега биз Қодирийларни, Чўлпонларни, Ойбекларни берган заминда “Қайнотамдан ҳомиладорман” деган жирканчликни тарғиб этилмиз унда?..  
Масалан, мен Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асари асосида кўп қисмли сериал, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи замонавий талқинда кўч қилишни тақлиф этардим. Негаки, бири ўзбек халқининг матонати ва соф меҳр-оқибатини тараннум этса, иккинчиси бугунги кунда учраб турадиган энг ориқли масала — турли ёт ғоялар гирдобига тушиб қолиш, ҳаётда ўз йўлини тополмай, пуч хаёллар ва “сароб”лар кетидан қувиб, ўз фожиясини яратётган инсонлар қисматида маҳорат билан фож этади.

# ТАЪЛИМ ҒАМХЎРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛАШГАН МАСКАН

Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб таълим ва тарбия бериш, жамиятдан ўз ўрнини топишига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бу борада жойларда амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Самарқанд вилояти, Оқдарё туманида жойлашган 63-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилаётган таълим масканларидан биридир.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,  
журналист

Мазкур муассасада бугунги кунда алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган 267 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг билим олиши, ижтимоий мослашуви ва соғлом ривожланиши учун 110 нафар педагог ва тарбиячи жааб этилаган.

Интернат фаолияти билан танишар экансиз, бу ерда ҳар бир болага алоҳида эътибор қаратилиши диққатингизни тортади. Педагоглар фақат дарс ўтиш билан чеканиб қолмай, болаларнинг руҳий ҳолати, нуқтдаги нуқсонларни бартараф этиш, уларнинг жамога мослашувини таъминлаш каби масалааларга ҳам жиддий ёндашмоқда.

Муассаса раҳбари Улуғбек Маматмуродовнинг таъкидлашича, бугун мактаб-интернатда болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

Таълим масканида маънавият ва маърифат хоналари, тиббиёт ва физиотерапия бўйламлири, спорт иншоотлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шарқона услубда безатилган ошхонада болалар учун сифатли ва витаминларга бой таомлар тайёрланади.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда болаларнинг яшashi, таълим олиши ва дам олиши учун зарур муҳит мавжуд.

Алоҳида таълим эҳтиёжига эга болалар учун энг муҳим масалаалардан бири уларни мустақил ҳаётга тайёрлашдир. Хусусан, ўқувчи қизларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ижодий қобилиятини ривожлантириш мақсадида интернатда “Ressin-Art” лойиҳаси йўлга қўйилди. Бунда ўқувчилар сунлий гу ва турли декоратив буюмлар ясашни ўрганишмоқда. Машгулотлар қизларнинг нафақат хунар ўрганиши, балки жамоада ишлаш, масъулиятни ҳис қилиш, тадбиркорлик асосларини амалга каби муҳим ҳаётий кўникмаларни ўзлаштиришига хизмат қилапти.



Мактаб-интернатда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи ҳам эътибор марказида. Жисмоний ривожланиш ва тиббий реабилитацияга қаратилган машгулотлар йўлга қўйилган. Жумладан, “Даволаш гимнастикаси” машгулотлари орқали болаларнинг жисмоний фаолигини оширилади. Махсус машқлар соғлиқни тиклаш, ҳаракат фаолиятини ривожлантириш ва умумий чинқиқишга хизмат қилади. “Нуқтқимизни ривожлантираш” машгулотлари эса логопедик муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарсдан ташқари вақтни мазмунли ташкил этиш масаласи эса алоҳида режалар дастур билан тартибга солинган. Турли тўрақарак болаларнинг қизиқишлари ва иқтидорини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Она тили ва адабиёт, зардулик, декоратив гуллар ясаш шу жумладандир. Тарбиячи Малика Шарипованинг айтишича, болалар машгулотларга шу қадар қизиқиб кетадики, вақт қандай ўтганини сезмай қолишади.

Мактаб-интернатдаги яна бир муҳим жиҳат, бу ерда шаклланган самимий муҳитдир. Болалар ўзларини бегона ҳис этмайди. Педагог ва тарбиячилар уларнинг ҳар бирига она азёсодек муносабатда бўлади. Бу болаларнинг руҳий барқарорлиги, жамиятга ишонч билан қадам қўйиши ва ўз имкониятларини намоён қилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу маънода мазкур таълим маскани нафақат билим берувчи муассаса, балки меҳр ва эътиборга йўғрилган тарбия ўчоғи сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болаларни қўллаб-қувватлаш – инсонпарварлик мезонларининг муҳим кўрсаткичи. Оқдарё туманидаги 63-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолияти ана шу йўналишда амалга оширилаётган тизимли ишлар самарасини яққол намоён этмоқда.

ADOLAT  
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислom ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА  
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Наримон УМАРОВ  
Мухаммад АЛИ  
Гавхар АЛИМОВА  
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ  
Озода ПАРШИБОВЕВА  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75  
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР  
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан  
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамом Йўлдошев  
Масъул котиб – Абдуғани Содиков



Тахрирнинг манзили: 100043, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани “Шарк тоғи” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Бюртмага Г – 401

Адади – 4 012

Босишга топширилган вақти – 21.00

Босишга топширилган вақти – 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Тахрирнинг келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахрирнинг жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК бошмақасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди  
орқали  
газетанинг  
электрон  
вариантини  
юклаб олинг!